

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 398.2 (575.1)

ТУРСУНОВ ИБРАГИМ НУРАЛИЕВИЧ

**ХАЛҚ ТЕРМАЛАРИНИНГ
ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ ВА БАДИИЯТИ**

10.01. 09 – Фольклоршунослик

**Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Тадқиқот ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
Фольклор бўлимида бажарилган

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори
Мусақулов Абийр

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори
Жуманазаров Умрзоқ

филология фанлари номзоди
Қўшмоқов Маҳамматали

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ҳимоя 2011 йил _____ ойининг “_____” куни соат _____ да
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил
ва адабиёт институти ҳузуридаги Д.015.04.01 рақамли фан доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган
кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2011 йил _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий
котиби, филология фанлари доктори,
профессор**

М. ЖЎРАЕВ

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди унинг кўп асрлик тарихи, этник хусусиятлари, дунёқараши, урф-одатлари, ижтимоий-маиший турмушини поэтик ифодаловчи тарихий-бадий-эстетик ҳодисадир. У ўзбек халқининг асрлар бўйи умуминсоний қадриятларга ҳисса қўшиб келган миллий маънавиятининг таркибий қисми ҳамдир. Бунда энг мўъжаз мақолдан тортиб, улкан ҳажмлардаги дostonларнинг ҳам ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Ўзбек фольклори бугунги кунда ҳам ёш авлод таълим-тарбиясига хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан Президентимизнинг “Алпомиш” достони муносабати билан айтган қуйидаги сўзларини бутун ўзбек фольклорига тааллуқли десак, хато бўлмас:

“Алпомиш” достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту-ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”.¹

Юртбошимизнинг бу теран маъноли сўзларини термаларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Чунки ўзбек дostonчилиги тарихи, унинг давомийлиги, профессионал халқ бахшилари ижодини термаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ўзига хос феномен сирларини янада тўлароқ очиш учун халқ термаларини ҳар жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурлиги тадқиқот **мавзуининг долзарблигини** белгилайди.

Тадқиқот мавзуи **долзарблигининг** яна бир жиҳати, ҳозирги пайтда замонавий тараққиёт туфайли анъанавий маънодаги дostonчилик, асосан, сўниб бўлган бўлса-да, термалар ижоди ва ижроси жараёни янгича шаклларда воқе бўлаётгани билан изоҳланади. Асрлар бўйи яхлит поэтик тизим сифатида шаклланган ўзбек фольклори таркибан турлар ва жанрлардан ташкил топган. Ўзбек фольклоршунослигида бу жанрлар ҳар томонлама ўрганилди ва ўрганилмоқда. Бироқ уларни ўрганиш даражаси турличадир. Жумладан, халқ термалари нисбатан кам ўрганилган ва янада кенгрок ўрганилиши зарур бўлган жанрдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида терма жанрининг дастлабки намуналари фольклоршунослигимиз асосчиси Ҳоди Зарифов томонидан XX асрнинг 30-йилларида тўпланиб, чоп этила бошланган, у ҳақда айрим мулоҳазалар билдирилган эди.² Кейинчалик олим академик В.М.Жирмунский билан бу масалага дostonчилик муносабати билан кенгрок тўхталган бўлса-да,³ бизнинг кузатишларимиз унинг терма

¹Каримов И.А. “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нуткидан // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.78.

²О‘zbek folkloridan namunalar. – Toshkent: O‘zdamnashr, 1935. – B.100.

³Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С.95-127.

жанрини алоҳида тадқиқ қилишни мақсад қилиб олмаганини кўрсатади.

Термаларнинг жанрий, ғоявий-тематик хусусиятлари ҳақида М.Алавия, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, С.Рўзимбоевларнинг ҳам қимматли кузатишлари мавжуд. Бундан ташқари, адабиётшунослик терминларида ҳам унга таърифлар берилган. Ўзбек халқ термаларини монографик тадқиқ қилишга биринчи марта А.Мусакулов ва А.Турсункуловлар кўл урдилар. Бироқ ана шу ишлардан сўнг ўзбек фольклоршунослигида дostonчилик, алоҳида олинган дostonлар генезиси, вариантлари ва бадииятини ўрганиш изчил давом этаётган бўлса-да, профессор Т.Мирзаевнинг кейинги монографиясидаги кузатишлардан ташқари,¹ бахшилар репертуарининг таркибий қисми бўлган терма жанрини илмий тадқиқ қилиш XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан сўнг, умуман, тўхтаб қолди. Турли фольклор тўпламларида кўплаб терма намуналари чоп этилиб, архивларда жуда бой термалар хазинаси мавжуд бўлса-да, ҳозиргача бирорта алоҳида термалар тўплами нашр этилмай келинаётир. Юқорида айтилганлардан ташқари, мустақиллик йилларида яратилган бир қатор номзодлик ишларида терма жанрига оид айрим қайдлар ҳам учрайдики, уларнинг барчасига тадқиқотимизнинг биринчи бобида батафсил тўхталиб, ўз муносабатимизни билдириб ўтдик.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бажарилаётган “Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи” мавзусидаги давлат дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Диссертацион ишимизнинг асосий мақсади ўзбек халқ термаларининг ўрганилиш тарихи, тарихий асослари, дostonчилик давомийлигидаги ўрни, яъни тарихий поэтикаси ва ўзига хос бадииятини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Ишда асосий мақсадимиздан келиб чиқиб, куйидаги вазифаларни бажаришни лозим деб топдик:

1. Халқ термаларини ўрганиш бўйича ўзбек фольклоршунослигида бажарилган ишларга муносабат билдириб, тадқиқотда ёритиладиган асосий масалаларни аниқлаб олиш ва жанрга тарихий асослари ҳамда поэтик табиатига кўра таъриф бериш.

2. Дoston ва терма ижодкорлари ҳамда ижрочиларининг тарихий типлари, тарихий-фольклорий жараёнда ҳар бир типнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш.

3. Дostonчи репертуарининг дoston ва терма билан чеклангани ҳақидаги фикрнинг нисбийлигини терма жанри намуналарининг таркибида ҳам бошқа жанрлар намуналари мавжуд бўлишини терма ва мақол мисолида ёритиб бериш.

4. “Дўмбирам” туркумидаги термаларнинг тарихий асослари, у билан боғлиқ мифологик қарашлар, урф-одатларнинг халқ термаларидаги бадиий

¹ Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008. – С.60-98.

ифодаларини таҳлил қилиш.

5. Достончилик этнографияси – урф-одатларининг устоз-шогирдлик муносабатлари, достон ижроси тартиби ва термалар мазмунида ифодаланишини кўрсатиш.

6. Диний термаларнинг тарихий асослари ва бадиий ўзига хосликларини, аҳамиятини аниқлаш.

7. Анъанавий халқ термаларининг композицион, сўз, сўз бирикмали, мисравий формулаларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларнинг замонавий термаларга муносабатини ёритиш.

8. Халқ термаларининг мавжуд тематик таснифига аниқлик киритиш. Ҳар бир тематик туркумга доир термаларнинг ўзига хос образлар тизими ва типик бадиий тасвир воситалари бўлишини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методи. Ишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик, маънавият ва адабиётга доир асарлари, мақолаларида баён этилган қарашлар ташкил этади. Фольклоршунос, адабиётшунос, элшуносларнинг илмий тадқиқотлари, В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, И.Султон, Ж.Фрэзер, В.Я.Пропп, Б.Н.Путилов, Т.Мирзаев, М.Саидов, М.Муродов, К.Имомов, А.Қаҳҳоров, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, А.Эргашев, Ж.Эшонқулов, Н.Очилов, Д.Халилова, Ш.Қаҳҳорова каби олимларнинг илмий ишлари мазкур диссертациянинг илмий-назарий манбаи вазифасини ўтади. Тадқиқот тарихий-қиёсий, этно-фольклористик таҳлил методлари асосида амалга оширилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар. Диссертацияда қуйидаги ҳолатлар ҳимояга олиб чиқилади:

1. Ўзбек фольклорининг тарихий-фольклорий жараёнида достон ва терма ижодчи-ижрочиларининг мағлар, шомонлар (шомон-жангчи, шомон-қуйчи, шомон-бахши (табиб), ошиқ-бахши, шоир-бахши, термачи, халфалар типлари мавжуд бўлиб, ҳар бир тип ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади.

2. Тарихий асослари ва жанрий табиатига кўра халқ бахшилари, термачилар, халфалар репертуаридаги тарихан маросимий-ритуал характерга, ўзига хос поэтик тизимга, вазифаларга эга бўлган, мусиқа билан муносабати барқарор, 4 мисрадан 150-200 ва ундан ортиқ мисралардан ташкил топган халқ қўшиқларига термалар дейилади.

3. Достончилар репертуари достон ва термалардан иборат деган қарашлар нисбий бўлиб, достон таркибан кўп жанрли асар ва термалар таркибида ҳам бошқа жанр намуналари учраши терма ва мақоллар муносабатида жуда равшан кўриниб туради.

4. Халқ термаларининг тарихий асосларида эпос қуйчиларининг чолғу асбоблари, хусусан, ўзбек бахшилариининг дўмбираси билан боғлиқ мифологик қарашлар, афсона, ривоят, ирим-одатлар муҳим ўрин тутди ва улар “Дўмбирам” туркум термаларида маълум даражада ўз бадиий ифодасини

топган.

5. Ўзбек дostonчилигининг ўзига хос этнографиси мавжуд бўлиб, улар устоз-шогирдлик муносабатлари ва дoston ижроси тартибида равшан кўринади ва термаларда маълум даражада ўз баёини топган.

6. Халқ термалари мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, мавжуд таснифга фотиҳа-насиҳат термаларини алоҳида мавзу сифатида киритиш мумкин.

7. Мустақиллик давригача бир ёклама баҳоланиб келган диний термалар тарихи мифологик қарашлардан исломий таълимотгача бўлган тушунчаларни қамраб олган, бадий жиҳатдан юксак асарлардир.

8. Анъанавий термалар маълум бир композицион формулавий типлар асосида яратилади ва уларнинг замонавий намуналари мазмунан фарқланса-да, шаклан ана шу формулавий услуб доирасида бўлади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ушбу ишда халқ термаларининг ўрганилиш тарихи биринчи марта тартибга солиниб, уларнинг тарихий асослари, дostonчилик этнографиясида термаларнинг ўрни, диний мавзудаги намуналар таҳлил этилди. Термаларнинг тематик таснифи кенгайтирилди. Ҳар бир мавзунинг ўзига хос образлар тизими ва типик бадий тасвирий воситалари борлиги кўрсатилди. Жанрга тарихий асослари ва поэтик табиатига кўра янгича таъриф берилди. Тадқиқотда дoston ва терма ижодчи-ижрочиларининг тарихий типлари, ҳар бир типнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлангани, Пэрри-Лордларнинг “формулавий услуб назария”сини ўзбек фольклорига татбиқ қилиб, анъанавий термаларнинг композицион формула, сўз, сўз бирикмали, мисравий формулалар асосида яратилишини мисоллар таҳлили билан асослаб берилгани ҳам унинг илмий янгилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамиятини ўзбек халқ термаларининг тарихий поэтикаси, ижрочи-ижрочиларининг тарихий, композицион формулавий типларини аниқлаш, ҳар бир мавзуга оид типик образлар тизими ва бадий тасвир воситаларини кўрсатиб бериш, ушбу тадқиқотнинг илмий-назарий қимматини белгилайди.

Диссертация натижалари ва хулосаларидан термаларнинг оммавий ва академик нашрларини тайёрлаш, ўзбек фольклори бўйича Олий ўқув юртлари талабалари, коллежлар ва академик лицейлар ўқувчилари учун дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишда, миллий истиклол ғояси ва мустақиллик мафкурасининг тарихий илдизларини ўрганишда, маданий-маърифий тарғибот ишларида, фольклоршунослик тарихини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги унинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

Тадқиқот манбаи сифатида ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Фольклор архиви материаллари ва нашр этилган турли тўпламлардаги анъанавий ҳамда замонавий терма намуналаридан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамадан ўтиши. Диссертация ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор ва Мумтоз адабиёти бўлимларининг қўшма мажлисида муҳокама этилиб,

химояга тавсия қилинган. Шунингдек, тадқиқот ушбу институт ҳузуридаги Д.015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиниб, 10.01.09 – Фольклоршунослик мутахассислиги бўйича химояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотда келтирилган далиллар, фактик материаллардан термалар тўпламини нашр этиш, махсус курс ва семинарлар ўтишда фойдаланиш лозим.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган “Ўзбек тили ва адабиёти” ва бошқа журналларда нашр этилган 9 та мақола, республика миқёсида ўтказилган илмий-назарий конференциялардаги 2 та маъруза тезисларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, асосий уч боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар ҳамда манбалар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 141 бетдан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацион ишнинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, методологик асоси ва методи, химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлари, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорийланиши, илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши, натижаларининг эълон қилинганлиги, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “**Термаларнинг ўрганилиши, ижодкор ва ижрочилари типлари**” деб номланиб, икки фаслдан ташкил топган. Бобнинг “**Термаларнинг ўрганилиш тарихи ва масаланинг қўйилиши**” деб юритилган дастлабки фаслида терма жанрининг ўрганилиши тарихи, у ҳақда фикр билдирган олимлар, номзодлик ишларининг асосий моҳиятига тўхталиб, уларга ўз муносабатимизни билдирдик ва тадқиқотимизда кўриб чиқиладиган муаммоларни аниқлаб олдик.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ термаларини биринчи марта “Баъзи хусусиятларига қараб айрим бир жанр дейиш мумкин”,¹ – деган олим шу фаннинг асосчиси Ҳ.Т.Зарифовдир. Кейинчалик академик В.М.Жирмунский билан яратган фундаментал асарида дostonларни ўрганиш муносабати билан термаларнинг жанр сифатидаги қатор хусусиятларини ёритиб берди.²

“Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” асарида баён қилинган фикрлардан сўнг ўзбек фольклоршунослигида ўтган асрнинг 70-йилларигача термалар

¹ O'zbek folkloridan namunalar. — Toshkent: O'zdamnashr, — B.100.

² Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. — М.: ГИХЛ, 1947. — С.95-127.

ҳақида бирорта жиддий илмий мулоҳаза айтилмади. Олима М.Алавия ўзи тўплаган ва нашрга тайёрлаган “Ўзбек халқ қўшиқлари” (1959), “Оқ олма, қизил олма” (1972) китобларига термалардан намуналар киритиш билан бирга, монографиясида уларга бир фаслни бағишлади.¹

Шундан сўнг халқ термалари ҳақидаги жиддий илмий кузатишлар Т.Мирзаевнинг “Халқ бахшиларининг эпик репертуари” асарида кузатилади.² Олим В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг халқ бахшилари репертуари жанр жиҳатидан чеклангани ҳақидаги фикрларидан келиб чиқса-да, профессионал халқ ижодчиларининг типларини аниқлаш билан терма ижодчилари ва ижрочилари халқ дostonчилари, термачилар ва ҳаваскорлардан иборатлигини аниқлаб берди. Кейинги асарида устоз-шогирдлик муносабатларидаги термаларнинг диний-ритуал жиҳатларини илк бор алоҳида қайд этди.³

Ўтган асрнинг 80-йиллар бошида А.Мусақуловнинг термалар ҳақидаги мақолалари, номзодлик диссертацияси юзага келди. Жанр ҳақидаги энг кейинги мақоласида номзодлик ишидаги фикр-мулоҳазалари, хулосалари мухтасар ифодаланди.⁴ У жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий ва ноилмий қарашларни бир тадқиқот доирасида жамлади, уларга ўз муносабатини билдирди.

Жанр ҳақида махсус кузатиш олиб борган А.Турсункуловнинг 1985 йилда “Ўзбек фольклорида биографик ва автобиографик асарлар ҳамда уларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари” мавзuidaги номзодлик иши юзага келди.⁵

Ушбу бобнинг **“Терма ижодкор ва ижрочиларининг тарихий ва замонавий типлари”** номли фаслида биз тарихий-фольклорий жараёндаги жанр ижодчи ва ижрочилари типлари, ҳар бир типнинг ўзига хосликлари ва умумий жиҳатларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Халқ термаларининг генезиси бевосита дoston ва терма ижодчи ва ижрочиларининг тарихий типла-

¹ Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.111-118.

² Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.86.

³ Мирзаев Т. Термалар // Раззоқов Ҳ ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Мирзаев Т. Термалар // Имомов К ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.169-173; Ўша муаллиф. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008. – С.196-203.

⁴ Мусақулов А. Шоир термалари // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни – Тошкент: Фан, 1978. – Б.68-76; Мусақулов А. Дoston ва терма муносабатига доир // Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.176-184; Мусақулов А. Ўзбек фольклорида терма ва оралиқ шакллар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1981, № 4. – Б.41-45; Мусақулов А. Терма в узбекском фольклоре (жанровая специфика, классификация, поэтика): Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – С.8-13. Мусақулов А. Терма. // Ўзбек фольклори очерклари. Т.1. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.261-272.

⁵ Турсункулов А. Биографические и автобиографические произведения в узбекском фольклоре и их идейно-художественные особенности: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – С.7-19.

ри фаолияти билан боғлиқдир.

В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар термаларнинг дostonчиликда устоз-шогирдлик муносабатларида бошланғич таълим вазифасини бажарганини алоҳида таъкидлайдилар.¹ Бундай тарихий-фольклорий жараённинг жаҳон халқлари эпик ижоди учун типологик ҳодиса эканлигини кўплаб олимларнинг фикрлари тасдиқлайди. Жумладан, А.Лорд куйчи дostonчи бўлиб шаклланишининг биринчи босқичида тинглайди, формулаларни ўзлаштиради, иккинчи босқичда тақлид ва ўзлаштириш жараёнидан сўнг кўникмаларини амалда қўллашга ҳаракат қилади, учинчи босқичда аудитория қаршисига чиқади дейди.² Б.Н.Путилов таълимнинг уч босқичлиги жаҳон халқларининг кўпчилиги, жумладан, туркий халқлар эпик ижоди учун умумий-типологик ҳодиса эканлигини таъкидлаб, бу босқичларга хос хусусиятларни умумлаштириб, тақлид босқичи, фаол ўрганиш ва мустақиллик босқичларига бўлади.³ Фольклоршунос Т.Мирзаев тадқиқотлари ҳам таълимнинг босқичийлиги ва ҳар бир босқичнинг ўзига хосликлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳаза, илмий-назарий хулосаларга бой.⁴

Тарихий поэтика нуқтаи назаридан, дostonчиликда бошланғич таълим вазифасини бажарган ўзбек фольклоридаги терма жанрининг генезиси дostonчилик ва халқ бахшиларининг типлари, устоз-шогирдлик муносабатлари орқали жуда қадим замонларга, мифологик тафаккур даврига бориб боғланади. Кузатишларимиз меҳнат кўшиқлари маросимий-магик характерга эга бўлган даврларда одамлар орасидаги алоҳида иқтидорли кишилар – маглар профессионал халқ ижодчиларининг илк тарихий типи бўлган, деб тахмин қилишга асос беради. Шартли равишда **маглар поэзияси** деб аташ мумкин бўлган бу даврда мифологик тафаккурга асосланган шеърят тўлиқ магик-маиший вазифани бажарган.

Тарихий тараққиётнинг кейинги босқичида кишилар ҳар бир соҳа, касбнинг мифологик ҳомий руҳи бўлади, деб ишонганлар ва бу фанда **патронимия даври** аталиб, ҳозиргача маълум даражада давом этиб келмоқда. Шу боис маълум бир даражага етишгач, маросим ташкил қилиб (одатда, пирлар, ҳомий руҳлар учун бирор жониворни қурбонлик қилиб), устозни эъзозлаш ва ундан оқ фотиҳа олиш одати нафақат дostonчилик, балки жуда кўп ҳунарларда маълум даражада ҳозиргача сақланиб қолган. Кўплаб этнографик адабиётлардаги маълумотларга кўра мифологик тафаккурда кишилар табиатдаги ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ҳомий руҳи бўлишига жуда қадимдан ишонганлар ҳамда бу нарса-ю ҳодисаларни ўша руҳларнинг эҳсони деб билганлар. Уларга атаб қурбонликлар қилганлар.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С.98-112.

² Лорд А. Сказитель. – М.: Восточная литература РАН, 1994. – С.33-39.

³ Путилов Б.Н. Эпическое сказительство: Типология и этническая специфика. – М.: Восточная литература РАН, 1997. – С.11-44.

⁴ Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 1998. – С.60-98.

Ўзларидаги бирор касбга салоҳиятни ва маҳоратни ўша руҳлар туфайли деб билганлар.¹ Кейинчалик бу ишонч турли касбларга кўчган, яъни кишилар ҳар бир касб-ҳунарнинг ҳомий руҳи, пири борлигига ишонганлар. Ўзбек бахшилари эътироф этган Мулла Ғойиб, Ошиқ Ойдинлар дostonчиларнинг ана шундай пирларидандир.

Ўзбек дostonчилари репертуарининг онгли равишда дoston ва терма билан чекланганини ҳам, бир томондан, ана шу ҳомийлик билан изоҳлаш мумкин. Ижод салоҳиятини руҳлар берган қайсидир пирга сиғинган, устоздан фотиҳа олган дostonчи учун кўшиқ, эртақ айтиш анъанага кўра тақиқланган. У бу билан пирларни, ҳомий руҳларни ранжитиб қўйиши мумкин, деб тасаввур қилинган. Халқ ижоди ва маиший турмушида устоздан фотиҳа олиш эса дostonчи ва шомонгагина муносибдир. Демак, бахши репертуарининг чеклангани, бахшиларнинг ўз устозлари ҳақида сўзламаслик анъанаси тарихан эпик ижод этнографияси, аниқроғи, табулар билан боғлиқдир.

Албатта, илмий нуқтаи назардан дostonчиларнинг асрий устоз-шогирдлик муносабатлари натижасида шакллангани исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Аммо улар ўзидаги ижод салоҳиятини доимо ғайритабиий туш кўриш билан изоҳлаб келганлар.² В.М.Жирмунский шоирлик, дostonчилик иқтидорини Худо, руҳлар дунёси билан боғлаш Шарқда ҳам мавжудлигини таъкидлайди.³

В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, Т.Мирзаевлар дostonчиларнинг бахши-шоирлардан аввалги типи ҳам шоир, ҳам шомон бўлгани, бахши сўзи ҳозир ҳам Ўзбекистонинг айрим жойларида шомон маъносини англатиши ҳақида жуда кўп ёзганлар.⁴ Тарихий-фольклорий жараёндаги бундай типологик ҳодиса ўзбеклардаги магик кучга эга деб тушунилган шомон айтимлари халқ термаларининг тарихий асосларидан бири бўлган, дейишга имкон беради. Туваликлар шомонлигини тадқиқ қилган М.Б.Кенин-Лопсон тадқиқотлари Сибирнинг айрим халқлари орасида ҳозир ҳам шомонлик поэзияси бадиий адабиёт вазифасини ҳам бажаришини кўрсатади.⁵

Ўзбек дostonчисининг дoston ижроси ўртасида дўмбирани тўнкариб, белбоғини ёзиш билан шомоннинг айтимларни айтиб, ёзилган супрага маросим иштирокчиларининг нималарнидир ташлаши ўртасида ҳам яқинлик бор. Яъни тўнкарилган дўмбира руҳлар танлаган дostonчи учун тингловчи-

¹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: ИПЛ, 1989. – С.280 ; Фрэзер Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии, 2-е издание. – М.: ИПЛ, 1986. – С.203.

² Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С.23-58.

³ Жирмунский В. М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – С.397-398.

⁴ Мирзаев Т. Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.1. – Б.14.

⁵ Кенин-Лопсон М.Б. Обрядовая практика и фольклор тувинского шаманства. – Н.: Наука, 1987. – С.160-168.

лардан, ёзилган супра руҳлар танлаган парихон ёки кинначи учун ҳақ талаб қилади. Демак, дўмбира тўнкариш асосида ҳомий руҳларнинг кишилардан ўзи сайлаган бахшини рози қилишларини истаб, вақтинча бахшини ташлаб кетиши ҳақидаги тасаввурлар натижасидаги қатъий анъана бўлган. Достончиликнинг шомонлик билан боғлиқ яна бир жиҳати, уларнинг, одатда, кечалари тонггача айтилгани, шомон маросимларининг кечалари ўтказилганида кўзга ташланади. Чунки халқ инончига кўра кечалари ёвуз руҳлар авж олади. Эртаси ва достон ижроси эса уларни одамларга яқинлаш-тирмайди.

Ўзбек бахшиларининг турли иримлар билан ёмон кўзлар ва ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш учун дўмбираларига туморлар тақиши ҳам шомонлик ва магик тасаввурлар асоратларининг амалдаги ифодасидир. Айни фикрларга асосланиб, халқ достончи-термачиларининг иккинчи тарихий типи **достончи-шомонлар** бўлган, дейишимиз мумкин. Ижодкорларнинг бу типи даврида халқ поэзияси магик-маиший вазифа билан бир қаторда бадиий-эстетик вазифага барабар эга бўлган.

Халқ бахшилари, термачиларининг тарихий типларидан яна бири **жангчи ва бахши** ижодкорлардир. В.М.Жирмунскийнинг “Куйчининг иқтидори ҳақида афсона” мақоласи жаҳон тарихида терма каби асарларнинг куйланиши, бахшиларнинг ижоди ҳақидаги қарашлар, тарихан уларнинг ҳам куйчи, ҳам жангчи, ҳам шомон (табиб) бўлганлиги типологик ҳодиса эканлигини исботлаб беради. Олим халқ профессионал куйчилари ҳақидаги афсона ва қарашларни Шарқ ва Ғарб мисолида таҳлил қилиб, шундай хулосага келади:

“Бундай мисоллар муносабати билан айтиш мумкинки, жанг олдида халқ бахшилари ёки дружина куйчилари томонидан аждодларнинг буюк жасоратлари ҳақидаги қаҳрамонлик кўшиқларини куйлашлари дастлаб жангчиларни нафақат жанговар қаҳрамонликларга чорлаш, балки ёввойи халқларнинг жанговар-овчилик кўшиқ-рақсларидек магик маросим хараكتерига ҳам эга бўлган”.¹

Халқ бахшиларининг илк вакиллари тарихан ҳам куйчи, ҳам жангчи, ҳам шомон бўлганликларининг бадиий ифодаси ўзбек достонларидаги Соқибулбул образида маълум даражада ўз ифодасини топган.²

Профессор М.Қодиров: “Соқибулбул Пўлкан шоир ижодида ҳам созанда, ҳам хонанда, ҳам шоир, ҳам бахши, ҳам аскиячи, ҳам масхарабоз сифатида гавдаланади. Бизнингча, Пўлкан шоир достонларида яратилган Соқибулбул санъаткорнинг афсонавий эпик образидир”, - дейди.³

Соқибулбулнинг бошқа қиёфага кира олиши шомонлик белгисидир. Бу

¹ Жирмунский В. М. Легенда о призвании певца // Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – С.397-407.

² Гўрўглининг туғилиши. ЎХИ. Достонлар. Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан, нашрга тайёрловчи Малик Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967.

³ Қодиров М. Соқибулбул образининг талқини // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.126.

образнинг эпик бахшининг дostonлардаги кўриниши, барча маросимларни ўтказувчи рухоний эканлиги Ш.Турдимов мақоласида янада равшанроқ ёритиб берилган.¹ Соқибулбул нафақат жангчи, балки ҳам шомон, ҳам бахши бўлгани учун унинг бу хислатлари ҳам шогирди Гўрўғлига ўтган.

Халқ бахшиларининг тарихан жангчи ҳам бўлганликларини бахшиларнинг дoston ижро этишлари тасдиқлайди.

Хоразм дostonчилиги масаласига келсак, бу ердаги дostonларда, айниқса, “Ошиқ” туркуми намуналарида профессионал ижодкорнинг **бахши-ошиқ** типи образи кўпроқ сақланиб қолган.

“Ошиқ” туркум дostonларидаги ошиқ образи, — дейди Н.Собирова,— бевосита халқнинг бахши, ўзан, ошиқлар ҳақидаги кўхна тасаввур ва эътиқодларининг синтези сифатида пайдо бўлиб, унинг муҳаббат шайдоси тимсолига айланувида ушбу эътиқодий қарашлар асосий босқич вазифасини ўтаган”.²

Юқоридагиларга хулоса сифатида айтиш мумкинки, халқ бахшилари, демак, термачиларининг ҳам қуйидаги тарихий типлари бўлган: **маглар, шомонлар (шомон-қўйчи, шомон-жангчи, шомон-бахши (табиб), ошиқ-бахши, бахши, халфалар.**

Агар дostonчи ва термачиларнинг тарихий типларини аниқлашда бирмунча тахминийлик мавжуд бўлса, уларнинг замонавий типларини белгилашда бундай муаммога дуч келмаймиз.

Фольклоршунослик фанининг замонавий поэтикаси нуқтаи назаридан маълум бўлган терма ижодчилари ва ижрочилари типлари қуйидагилардан иборат: 1. Профессионал бахшилар (халқ шоирлари). 2. Профессионал бўлмаган бахшилар: а) ҳаваскор бахшилар; б) термачи бахшилар. 3). Халфалар: а) ижодкор шоира-халфалар; б) ижрочи созанда-халфалар; в) дostonлар ва улардан парчаларни соз ва қуйсиз қироат билан ўқийдиган халфалар. Ушбу боб сўнгида унга доир хулосаларимиз баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Халқ термаларининг тарихий асослари ва мавзу кўринишлари**” деб номланиб, “**Термаларнинг тарихий асослари ва дostonчилик этнографияси**” деб аталган биринчи фасли терма ва мақол муносабатлари, “Дўмбирам” туркум термаларининг тарихий асослари ва дostonчиликдаги устоз-шогирдлик муносабатлари, дoston ижроси тартиби қоидаларини этнофольклористик йўналишда ўрганишга бағишланган.

Дostonчи-термачиларнинг тарихий типлари маглар, шомонлар, халфалар бўлганлиги учун термаларнинг тарихий асослари жуда кўп жиҳатлардан дostonчилик тарихий асослари билан муштаракдир.

Ўзбек фольклоршунослигида жанрлараро муносабат масалалари маълум

¹ Турдимов Ш. Соқибулбул // Соғлом авлод учун. — Тошкент, 1996, — № 2. — Б.23-24.

² Собирова Н. Хоразм “Ошиқ” туркуми дostonлари сюжети, етакчи мотивлари ва образлар тизимининг мифологик асослари: Филол. фан. номз. дис... автореф. — Тошкент, 2004. — Б.11.

бир даражада ўрганилган¹. Бу муаммога бағишланган ишлар орасида 1947 йил эълон қилинган В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифовлар асаридаги мулоҳазалар ва энг кейинги тадқиқот Г. Эгамбердиевнинг номзодлик диссертациясидаги кузатишлар² бизнинг мавзумизга жуда яқин туради. Хусусан олганда, В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар дostonчилик муносабати билан дoston ва терма, уларнинг генетик алоқадорлигини кўрсатиб бердилар. Дoston ва терма муносабатлари ҳақидаги қарашлар бирмунча аниқ бўлгани учун, биз ишимизда тарихий асос сифатида терма ва мақол муносабатига кенгрок тўхталдик.

Оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида бўлгани каби термаларда ҳам мақоллар ёки айнан, ёки мақсадга мувофиқ ўзгартирилган шаклларда қўлланилади ва бу мумтоз адабиётда **ирсоли масал** санъати деб келинган. Дostonчилар репертуари учун халқ мақолларини дostonларнинг насрий қисмида ўзгартирмай, назм қисмлари ва термаларда айнан, ёки қофия ҳамда вазн талабига кўра ўзгартириб қўллаш хосдир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли сўз қадри ва дostonчилик маҳорати ҳақидаги термасида ўз қарашларини баён қилиш учун “Яхшидан от, ёмондан дод”, “Вақтинг — бахтинг” каби халқ мақолларини айнан қўллайди ёки Фозил шоир репертуаридаги “Бўлмаса” радифли термасида шундай банд бор:

*Отинг ёмон бўлса, армонинг кетар,
Ўзлинг ёмон бўлса, дармонинг кетар,
Хотининг ёмон бўлса, меҳмонинг кетар,
Бу учов дуч келмас, шўринг бўлмаса.*³

Кўриниб турибдики, банддаги тўртинчи мисра олиб ташланса, у халқ мақолининг айнан ўзидан иборат бўлиб қолади. Халқ дostonлари таркибида шундай мақол-термалар борки, улар кўпинча дostonнинг умумий ғояси билан боғланмайди, аммо таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Эгамберди Оллоберди ўғли репертуаридан ёзиб олинган бир терма 118 мисрадан иборат бўлиб, унинг 72 мисраси 50 дан ортиқ халқ мақолларидан иборат.⁴ Кузатишларимиз мақоллар асосида терма ижод қилиш, асосан, Самарқанд ва Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактаблари, айниқса, Қашқадарё ва Сурхон воҳаси бахшилари, термачилари, хаваскор шоирлари учун хослигини кўрсатади.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. — М.: ГИХЛ, 1947; Имомов К. Дostonларда эртак мотивлари // Фозил шоир. — Тошкент: Фан, 1973. — Б.97-104; Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. — Тошкент: Фан, 1979; Жалалов Г.О. Узбекский народный сказочный эпос. — Ташкент: Фан, 1980; Эгамов Х. Типология и взаимосвязи сказочной традиции тюркоязычных народов Советского Востока. Дис... док. филол. наук. — Ташкент, 1988. — С.46; Алимов С. Жанрлараро муносабатга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1998, — №5. — Б.30-33 ва бошқалар.

² Эгамбердиева Г. Эртак тип сюжетли Хоразм дostonлари поэтикаси: Филол. фан. ном. дис... автореф. — Тошкент, 2005. — Б.13-24.

³ ТАИФАМ, — Инв.№ 87.

⁴ ТАИФАМ, — Инв.№ 1463.

Анъанавий термалар, бир томондан, мифо-поэтик тафаккур, эпик ижод ритуаллари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, реал ҳаётни қайта поэтик мушоҳада қилиш, жанрлараро муносабатларнинг ҳосиласидир. Бирок мифологик тафаккур излари, уларнинг бадиий ифодалари учрайдиган барча дostonлар ва термаларда ҳам бир хил даражада эмас. Масалан, Ғирот таърифига бағишланган намуналарда от культининг излари равшан кўриниб турса, “Дўмбирам” туркум термаларида дарахтлар (ўсимликлар) культларининг ифодалари кўп учрайди.

Термалар тарихий асосларига кўра мусиқа билан муносабати барқарор жанрдир. Дўмбира, чанқовуз, кейинчалик шулар таъсирида дотор, сетор, гармон каби мусиқа асбоблари ҳақида ўнлаб анъанавий термалар ва лирик кўшиқлар мавжудлиги ҳам ана шундан.

Биз ишда “Дўмбирам” туркум термаларида ўзбек халқининг соз ва сўзнинг келиб чиқиши ҳақидаги мифологик қарашлари, сўз кучи, бадиий ижод, унинг халқ ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти, оғзаки ижоднинг эстетик принциплари маълум даражада ўз ифодасини топганлигини мисоллар билан кўрсатиб берганмиз. Устоз шогирдига фотиҳа бераётган маросимда унга тўн, дўмбира бериши мумкин. Ритуал жиҳатдан фотиҳа ҳам, тўн, дўмбира бериш ҳам тарихан жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Бахшилар, термачилар дostonлардан аввал ҳам, дoston ижроси давомида ҳам, мустақил ҳолда ҳам “Дўмбирам” термаларини куйлаб келганларки, тарихан бу ижроларнинг барчаси диний-ритуал аҳамият касб этган.

“Дўмбирам” туркум термаларининг тарихий асосларига назар ташлашнинг ўзиёқ тарихан дostonчиликнинг ўзига хос этнографияси бўлгани ва у шомонлик дунёқарашларидан келиб чиққанлигини кўрсатади.

Фольклоршунослигимизда устоз-шогирд муносабатлари, дoston ижроси қондаси ҳақида ҳам жуда кўп фикрлар айтилган. Улар орасида В.М.Жирмунский, Ҳ.Т. Зарифов “Ўзбекский народный героический эпос” ва Т.Мирзаевларнинг “Эпос и сказитель” асарлари, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бирок бу олимлар дostonчиликнинг урф-одатларини махсус ўрганишни мақсад қилмаганларлари учун биз бу урф-одатлар жамини, А.Мусакулов тезисларидан келиб чиқиб,¹ **дostonчилик этнографияси** деб аташни лозим топдик.

Биз Т.Мирзаев, Б.Н.Путиловларнинг монографияларидаги фикрларга таяниб, дostonчилик этнографиясида термаларнинг ўрни ва аҳамиятини тизимлаштириш, улар ҳақида айтилган хулосаларни бойитишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, ҳар бир анъанавий жанр, айниқса, маросим фольклори ва анъанавий болалар ўйинлари ижросининг ўзига хос ички тартиб-қондаси, одатлари (таъбулари-тақиқлари) мавжуд.¹

¹ Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.285.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, биз достончи-термачилик этнографиясини шартли равишда: 1. Устоз – шогирд муносабатлари одатлари. 2. Достон ижросида термаларнинг ўрнига бўлиб ўргандик.

Устоз-шогирдлик муносабатларидаги дастлабки тақик бахшиларнинг ўз устозларини айтмасликлари ва бу кўпгина халқлар достончилиги учун типологик ҳодиса эканлиги илмий адабиётларда кўп қайд этилган.

Ҳар қандай соҳадаги табиий талантни қадимги халқларнинг барчаси Оллоҳ, руҳлар тухфаси, ўзбеклар “худо берган” деб ҳисоблашгани сабабли Оллоҳ, ҳомий руҳдан воз кечиб, бирор кишини устоз дейиш гуноҳ бўлган. Ўзбек бахшиларининг фольклоршунослар кўп машаққатлар билан ёзиб олган маълумотларни эса ана шу анъанадан чекиниш, табу-тақикни бузиши натижаси деб билиш лозим.

Ўзларидаги иқтидорни ҳомий руҳлардан деб билган шомон, бахшилар ўз касбини, албатта, кимгадир қолдиришлари шарт бўлган. Одатда, худди шомонликдаги каби бахшилик ҳам авлоддан авлодга ўтган.

Достончилик этнографияси халқ термаларида жуда равшан ифодасини топган. Достон ижроси давомида аёллар ва болаларнинг киритилмаганлигини Т.Мирзаев бурят эпосшуноси А.И.Улановнинг қахрамонлик достонининг дастлабки функцияси билан боғлиқ қадимий анъана бўлса керак, якут фольклоршуноси В.В.Илларионовнинг эшикларни ёпиш Юқори ва Пастки дунёдан ёвуз руҳлар кирмаслиги ҳақидаги фикрлари билан боғлаб, табу деб тахмин қилди.² Бизнингча, бу одатни табу деб тасдиқлаш мумкин.

Кузатишларимиз халқ бахшиларининг эстетик принципларини ҳам маълум даражада достончилик этнографиясига киритиш мумкинлигини кўрсатади.

Биз ушбу бобнинг иккинчи фаслини **“Термалар тематикаси. Диний термалар”** деб номлаганмиз.

Ўзбек халқ термалари мавзу жиҳатидан ғоят ранг-барангдир. Шундай бўлса-да, уларни мавзу жиҳатдан айрим гуруҳларга таснифлаш мумкин. Термаларни тасниф қилишда фольклоршуносликда қабул қилинганидек, анъанавий ва замонавий намуналар тушунчасидан келиб чиқиш мақбул. Аммо бунда ҳам замонавий термаларни мавзу жиҳатдан маълум бир тартибга келтириш қийин. Замонавий деб юритиб келинган термалар, одатда, анъанавий термаларнинг шакли ва бадиий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, мазмунан бутунлай янги, одатда, бирор индивидуал ижодкорга нисбат бериладики, бу анъанадан чекланишдир. Айни пайтда, замонавий термалар-

¹Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974 ; Саримсоков Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986; Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи 1975; Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004 ва бошқалар.

² Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 1998. – С.46.

нинг жуда кўп бадиий юксак намуналари ҳам мавжуд ва уларни муаллифларга кўра тасниф қилиш катта қулайлик туғдиради. Биз тадқиқотимизда, асосан, анъанавий термаларни тадқиқ этганимиз учун А.Мусакуловнинг таснифидан фойдаландик.¹

Достончиликда устоз-шогирд муносабатлари ҳақида сўзлай туриб, профессор Т.Мирзаев: “Ёш бахшини бахшилиikka қабул қилиш кечаларида куйланадиган махсус насихат термалари мавжуд бўлганга ўхшайди,” — деб Шерна бахши Мардонакул Авлиёкул ўғлига дуо берганида айтган бир термани келтиради.²

Фотиҳа бериш, қабул қилиш барча архаик динлар, жумладан, ўзбекларда исломгача жуда ривожланган шомонликда ҳам мавжуд бўлганлиги учун бундай термалар тарихини жуда қадимий ва ҳар бир устоз бахши репертуарида мавжуд бўлган дейиш мумкин. Бироқ диний оҳанги учун совет даврида халқ бахшилари бу каби термаларни бошқаларга айтмай келишган. Бу каби асарларни биз термаларнинг мавзу жиҳатдан алоҳида **фотиҳа-насихат термалари** гуруҳига киритиш лозим, деб ҳисобладик.

А.Мусакулов ўз тадқиқотида термаларнинг ҳар бир гуруҳига хос жиҳатларни имкон қадар таҳлил қилган, айти пайтда диний термаларга ўта бирёқлама муносабатда бўлгани³ учун, биз ишимизда бу мавзуга алоҳида тўхталишни лозим топдик.

Ўзбек халқ ижодида диний қарашлар энг мўъжаз мақоллардан тортиб, улкан ҳажмдаги достонларгача у ёки бу даражада сингиб кетган. Хусусан, диний термаларда дунёнинг яратилиши ва ундаги инсон тақдирининг азалийлиги етакчи ғоялардир. Тақдирнинг азалийлиги Бекмурод Жўрабой ўғли репертуаридаги термада шундай бадиий ифодаланган:

*Аввали дунёга бир қуш қўндирди,
Дунёнинг тўрт буржсин донга тўлдирди,
Ҳар бир донни юз йилгача сўрдирди,
Охири шу қушни очдан ўлдирди.*⁴

Тасаввур қилинг, дунё тўла доннинг ҳар бир донасини юз йил сўриб тугатиш учун неча йил керак? Миллионми, миллиардми ёки ундан ҳам кўпроқми? Тўғриси, бу ҳозирги инсон тасаввурига сиғмайди. Аммо муҳими бунда эмас, муҳими қушнинг очдан ўлганида, аниқроғи, тақдирдан қутулиб бўлмаслигида. Кўплаб бахшилар репертуарида мавжуд бўлган бу парча бадиият нуқтаи назаридан муболаға санъатининг ажойиб намунасидир.

Кузатишларимиз “Айрилмадиму?”, “Қиёмат яқин бўлганда”, “Ким-

¹ Мусакулов А. Терма в узбекском фольклоре: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. — Ташкент, 1984. — С.13.

² Мирзаев Т. Эпос и сказитель... — С.77.

³ Мусакулов А. Терма в узбекском фольклоре: Автореф. дис... канд. филол. наук. — Ташкент, 1984. — С.15.

⁴ ТАИФАМ, — Инв.№ 192.

нинг кўнгли шод бўлди?”, “Айлади”, “Бордир”, “Қолмади”, “Сен эдинг”, “Яратди” каби термаларда ғамгинлик, хазинлик оҳанглари устиворлик қилишини кўрсатади. Бироқ инсон тақдирга тан бериб, фарёд чекиб юрувчи ожиз зот эмас. У умид билан яшайди.

Ушбу фаслда диний термаларни атрофлича таҳлил этгач, боб учун хулосаларимизни баён этганмиз.

Диссертацион ишимизнинг **“Халқ термаларининг композицион типлари, образлари ва бадиияти”** деб номланган учинчи боби ҳам икки фаслдан иборат. Унинг **“Халқ термаларининг композицион типлари ва вариантлилики”** фаслида биз бу жанрга хос композицион, сўз, мисравий формулаларни тадқиқ этганмиз. Анъанавий композиция фольклор поэтикасининг муҳим шартидир. Шундай фольклор асарлари борки, уларнинг поэтикасини, айниқса, поэтиканинг формал соҳаларини тадқиқ қилишда композициясини ўрганиш биринчи ўринда туради. Бу ҳақда фольклоршунос Н.И.Кравцов шундай ёзади: “Жанр – форма, структурадир ва унда илгари фольклор назариясида композицион деб юритилган структурал ва композицион элементлар, аввало, жанрни шакллантирувчи роль уйнайди”.¹

Жаҳон, айниқса, Ғарб фольклоршунослигида кейинги даврларда америкалик М.Пэрри ва А.Лордларнинг “формулавий услуб” (“формульный стил”) назарияси бир мунча шуҳрат топди. Жумладан, М.Пэрри шундай деб ёзади: “Формула деганда “бир хил метрик ўлчамларда мунтазам учрайдиган, у ёки бу мазмунга хизмат қиладиган сўзлар гуруҳи тушунилади”.

Бизнингча, бошқача аталиб келганини ҳисобга олмасак, бу назария ўзбек фольклоршунослиги учун кашфийат эмас. Ҳоди Зарифовдан бошлаб, М.Алавия, М.Саидов, М.Муродов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов – барча ўзбек фольклоршунослари **формула** ўрнига типик парчалар, типик ўринлар, анъанавий мисралар, **формулавий услуб** ўрнига **анъанавий услуб, инициал, медиал, финал формулалар** каби атамаларни қўллаб келганлар. Шундай бўлса-да, икки Ғарб олимнинг назарияси бизнинг қарашларимизни тўлдиради, фольклор асарларига турлича нуқтаи назардан қарашга ўргатади. Иш давомидаги кузайишларимиз, анъанавий термалар поэтикаси формулавий услуб назариясига жуда мос қилишини кўрсатади. Бу, аввало, термалар композициясида жуда равшан кўринади.

Термаларда формулалар ва формулавий услубни юзага чиқаришда куй ва оҳангнинг ўрни жуда каттадир. Шу боис бахши мусиқасиз сўзларни йўқотиб қўяди. Биз болаликда тилни қандай табиий ўргансак, бахши сўз ва оҳанг формулаларни шундай ўрганади.

Кузатишларимиз халқ термалари композициясининг типлари анъанавий формулалар ва улар таркибидаги формулавий сўзлар, мисралар такроридан пайдо бўлишини кўрсатади. Биз формулалар деганда Пэрри-Лорд назарияси-

¹ Кравцов Н.И. Роль композици в определении фольклёрных жанров // Специфика фольклорных жанров. — М.: Наука, 1973. — С.92.

дан келиб чиқиб, “бир хил метрик ўлчамларда барқарор учрайдиган у ёки бу асосий фикрни юзага чиқарадиган сўзлар гуруҳларини” тушунамиз.

Биз бу фаслда термаларга хос композицион, сўз, сўз бирикмали, мисравий формулаларни мисоллар билан батафсил таҳлил этганмиз ва замонавий термалар ҳам ана шу доирада бўлишини исботлашга ҳаракат қилганмиз. Хусусан, биз кўриб чиққан ўзбек халқ термаларида энг фаол сўз формулалар ёки формулавий сўзлар куйидагилардир: **Айрилма, айрилса, айрилиб, айламас, бедовсан, билар, билмас, билганга, бордир, бўлар, бўлмас, бўлмаса, бўлди, бўлурму, дўмбирам, ёронлар, йўлиқса, керакдир, келтирар, кунларим, таниса, яхши (дур, роқ), ярашмас, қолмади** ва бошқалар. Шу ўринда А. Лорднинг яна бир хулосасини келтириш жоиз деб ҳисоблаймиз: “Бахши шеърлар яратишда формулалар билан занжирланиб қолмайди: формула техникаси уни қарам қилиш учун эмас, балки маҳоратига хизмат қилиш учун яратилган”.¹ Олим айтган маҳорат термаларда, аввало, уларнинг кўп вариантлилигида кўринади. Умуман, термаларнинг барча вариантлари анъана, формулалар доирасида яратилади. Айнан ана шу доирада сўз ва мисралар қўшиш, олиш термаларда вариантлиликини юзага чиқаради.

Анъанавийлик ва формулавий услуб нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўзбек фольклорида бизга маълум термаларнинг бир неча хил вариантлашувини кўриш мумкинлиги ҳам ишда мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Сўз термаларда вариантлилиқ ва уларнинг замонавий кўринишлари ҳақида кетар экан, фольклоршунос Б.Н.Путиловнинг куйидаги фикрини келтириш ўринлидир: “Одатда, янги қўшиқ тўла анъана доирасида бўлиши, унинг асосида яратилиши мумкин, табиийки, бундай пайтда аниқ шахсий муаллифлик масаласи мунозарали бўлади”.² Шу боис замонавий термалар бирор-бир муаллифга нисбат берилса ҳам, моҳиятига, яратилиши асосига кўра том маънода халқникидир.

Бобнинг иккинчи фасли “**Халқ термаларининг образлар тизими ва бадиияти**” деб номланган.

Биз ўз ишимизда образлар тизими деганда образни кенг маънода тушунганмиз. Чунки термаларда инсонлар (Гўрўғли, бахши, ошиқ-маъшуқлар, яхши-ёмон хотинлар, турли тоифа кишилар) билан бирга, жониворлар (Ғирот), нарсалар (дўмбира, кавуш, самовар) кабиларнинг ҳам образлари мавжуд. Ишда термаларнинг ҳар бир мазу туркумига хос намуналарнинг образлари ва бадиий тасвир воситаларини атрофлича таҳлил қилишга ҳаракат қилганмиз. Жумладан, биографик термаларнинг катта қисми “Дўм-бирам”, “Дуторим”, “Сеторим”, “Гармоним” номли қўшиқлардан иборат.³ Улар дostonчи, термачи, халфаларнинг чолғу асбоблари таърифига ба-

¹ Лорд А. Сказитель... – М.: Восточная литература РАН, 1994. – С.69.

² Путилов Б.Н. Героический эпос чернигорцев. – Л.: Наука, 1982. – С.19.

³ ТАИФАМ, – Инв.№ 132, 192, 449, 918, 1169, 1245, 1315, 1457, 1689.

ғишланган. Айна пайтда, бу туркум термаларда ўзбек халқининг соз ва сўз, сўз кучи, бадиий ижод, унинг халқ ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти, оғзаки ижоднинг эстетик принциплари маълум даражада ўз ифодасини топган. Бу туркумдаги термалар учун типик бадиий тасвир воситалардан бири – **жонлантириш**дир. Шу восита туфайли дўмбирага ўз эгасининг моддий аҳволини яхшиловчи, рўзғорини обод қилувчи, эгнига тўн кийдирувчи одамий хислатлар нисбат берилади.

“Дўмбирам” туркум термалари жонлантириш санъатининг юмористик оҳангларга уйғунлашиб кетиши билан ҳам ўзига хосдир. Шу уйғунлик сабабли бахшилар дўмбирани **тирноқнинг офати, елимга туймайдиган очкўз, чилимкаш** деб, тингловчиларда самимий кулги уйғотди.

Параллелизмларнинг турли кўринишлари термаларнинг мавзу жиҳатдан барча кўринишлари учун хосдир. Бироқ маиший-дидактик термаларнинг шундай кўринишлари борки, улар яхлит образлар параллеллиги, жуфтлигига асосланган ва формулавий усулни юзага чиқарган. Образлар параллеллиги термаларда **Б (оқибат) – А (сабаб) – С (формулавий сўз)** шаклидаги композицион формула доирасида яратилган. Масалан:

От-ёл:

Олакўз бедовлар тушар рахтидан, (А)

Қўйруғи тўкилиб, ёлдан (Б), айрилса. (С)

Ушбу термада ўнта жуфт образ мавжуд бўлиб, барча бандлар бир формула доирасида яратилган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, образлар жуфтликлари мавжуд термаларда бандларнинг ўрни бахши истагинача алмашинуви, қисқариши, кўпайиши, айрим сўзлар ўзгариши мумкин ва бу вариантларни келтириб чиқаради. Шунингдек, диний термалар учун **талмех** шеърини санъати жуда фаоллигини кўрсатади. Чунки образлари пайғамбарлар ва бахтсиз ўтган ошиқ-маъшуклар, уларнинг бошидан кечган воқеалар, инсон тақдири муаммоси бўлган диний термаларда халқнинг эътиқоди, фалсафий дунёқараши ифодаланган ҳар бир фикр ўзига хос бадиий далилларни талаб қилади. Бундай далилларни эса талмех санъати юзага чиқаради.

Халқ термаларининг образлар тизими ва бадиияти қанчалик бой бўлмасин, барчасининг ташқи ёки ички маъносида умумлашма маҳоратли бахши, термачи, халфа образи туради. Одатдагидек, бу боб сўнгида ҳам унга доир хулосалар баён қилинган.

Ишнинг **“Хулоса”** қисмида якуний мулоҳазалар, жумладан, қуйидагилар келтирилган:

1. Тарихий-фольклорий жараёнда бахшилар репертуарида дoston ва

терма ёнма-ён яшаб келган. Достон ва терма ижрочиларининг куйидаги тарихий типлари бўлган: **маглар, шомонлар (шомон-куйчи, шомон-жангчи, шомон-бахши (табиб), ошиқ-бахши, бахши, термачи, халфалар;** (а) ижодкор шоира-халфалар; б) ижрочи созанда-халфалар; в) достонлар ва ва улардан парчаларни соз ва куйсиз қироат билан ўқийдиганлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро фарқланадилар.

2. Халқ термаларининг тарихий асосларида дўмбира ҳақидаги афсона, ривоят, турли иримлар муҳим ўрин тутди ва “Дўмбирам” туркум термаларида ўзбек халқининг соз ва сўзнинг келиб чиқиши ҳақидаги мифологик қарашлари, сўз кучи, бадий ижод, унинг халқ ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти, оғзаки ижоднинг эстетик принциплари маълум даражада ўз ифодасини топган.

3. Ўзбек халқ термалари мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, биз аввалги таснифларга халқ бахшилари таълим сўнгида шогирдларига айтадиган намуналарни алоҳида **фотиҳа-насиҳат термалари** деб кириштишни лозим топдик ва уларнинг ритуал-маросимий аҳамиятини алоҳида қайд этдик.

4. Мавзу жиҳатдан термаларнинг катта бир гуруҳини диний мазмундаги намуналар ташкил қилади. Диний қарашлар фольклор табиати учун мифологик тафаккур давридан ҳослиги учун диний термаларнинг илдизлари жуда қадимий даврлар билан боғлиқ. Шу боис уларда архаик динлар: шомонлик, магия каби ислом таълимотига доир қарашлар уйғунлиги ўз бадий ифодасини топиб келган.

5. Термаларнинг жанр сифатида шаклланиши ва ривожда барқарор композицион, сўз, сўз бирикмали, мисравий формулалар етакчи роль ўйнаган. Бизгача етиб келган анъанавий термалар, асосан, уч типдаги композицион формулалар, сўз, сўз бирикмали, мисравий формулалар доирасида яратилганини кўрсатади. Сўз, сўз бирикмали, мисравий формулалар поэтик такрорларнинг кўринишларидир. Аммо ҳар бир формула такрор кўринишларидан иборат бўлса-да, ҳар қандай такрор формула бўла олмайди. Чунки формулалар бутун шеърнинг асосини ташкил қилади, такрорларнинг барчаси учун эса бу қонуният хос эмас.

6. Замонавий деб юритилиб келинаётган термаларнинг мазмунигина янгидир. Уларнинг композицион қурилишлари эса анъанавий формулалар доирасида бўлади. Шўролар даврида яратилган, сиёсий фон етакчи бўлган термалар ўткинчи ҳодисалар бўлганидек, меҳнат ва уруш қаҳрамонлари, манзаралар, жойлар таърифига бағишланган бадий юксак намуналар терма жанрини янада бойитди.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни қуйидаги мақолаларда ўз ифодасини топган:

1. Турсунов И. Диний термалар // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2005. – №5. – Б. 71-74.
2. Турсунов И. Бахшилар – терма ижодкорлари сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – №1. – Б. 60-65.
3. Турсунов И. Халқ термалари ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2008. – №5. – Б.45-48.
4. Турсунов И. Термаларнинг тарихий асосларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №5. – Б.70-73.
5. Турсунов И. Халқ термаларида анъанавий композицион формула ва формулавий сўзлар поэтикаси // Ўзбекистон ёш адабиётшунослари ва тилшуносларининг “Ёшлар йили”га бағишланган анъанавий анжумани материаллари. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2008. – Б.5-6.
6. Турсунов И. К истории терма // Преподавание языка и литературы. –Ташкент, 2009. – №2. – С.69-74.
7. Турсунов И. Сўз салмоғи ва қадри // O'zbekiston matbuoti. – Тошкент, 2009. – 3-4 сон. – Б.84-85.
8. Турсунов И. Дастанная этнография // Филологические науки: вопросы теории и практики. – Тамбов: «Грамота», 2010. – №2(6). – С. 169-171.
9. Турсунов И. Специфические функции узбекских народных терма // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2010, – №1. – С. 69-72.
10. Турсунов И. Халқ термаларида вариантлик // Республика илмий - амалий конференцияси материаллари.–ТДПУ: Фан ва технологиялар маркази, 2010. – Б.481-483.
11. Турсунов И. Поэтические школы народных сказителей // Филологические науки: вопросы теории и практики. – Тамбов, «Грамота», 2010. – №3(7). – С.143-145.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Турсунов Ибрагим Нуралиевичнинг 10.01.09 – Фольклоршунослик ихтисослиги бўйича “Халқ термаларининг тарихий асослари ва бадиияти” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: терма, достон, достончи, термачи, мақол, тарихий типлар, достончилик этнографияси, дуо-фотиҳа, генезис, ритуал-маросимий, диний, формулавий услуб, композицион формула, анъанавий, замонавий, тематика, жонлаштириш, образлар тизими, поэтик.

Тадқиқот объектлари: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Х.Т. Зарифов номи фольклор архиви ва халқ бахшиларининг нашр этилган термалари.

Ишнинг мақсади: ўзбек фольклоршунослигида халқ термаларининг ўрганилиш тарихи, тарихий асослари, достончилик давомийлигидаги ўрни, яъни тарихий поэтикаси ва ўзига хос бадииятини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқот методлари: диссертацияда қиёсий-тарихий ва таҳлилий усуллар қўлланилиб, кузатишлар этнофольклористик йўналишга асосланган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: халқ термаларининг ўрганилиш тарихи биринчи марта тартибга солиниб, уларнинг тарихий асослари, достончилик этнографиясида термаларнинг ўрни, диний мавзудаги Пэрри – Лордларнинг “формулавий услуб назария”сини ўзбек фольклорига татбиқ қилиб, анъанавий термаларнинг композицион формула, сўз, сўз бирикмалари, мисравий формулалар асосида яратилишини мисоллар тақлили билан асосланиб, термалар поэтикаси юзасидан илмий хулосаларга келинди.

Амалий аҳамияти: диссертация ишининг натижалари ҳамда илмий хулосалари ўзбек халқ ижодида достончилик давомийлиги ва тарихий-фольклорий жараёнига тадқиқ этишда муҳим назарий-амалий хулосалар беради.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан Олий ўқув юртлари филология факультетларида, академик лицей ва коллежларда халқ оғзаки ижодиёти бўйича олиб бориладиган машғулотларда, шунингдек, дарслик, ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: фольклоршунослик ва элшуносликка доир тадқиқотлар олиб бориш ва ўзбек халқининг маънавий қадриятларини кенг оммалаштириш.

РЕЗЮМЕ

диссертации Турсунова Ибрагим Нуралиевича на тему “Исторические основы народных терма и их художественности”, представленной на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.09 – фольклористика.

Ключевые слова: терма, дастан, дастанепец, пословица, исторические типы, дастанная этнография, благословение, генезис, ритуально-обрядовые, религиозный, формульный стиль, композиционная формула, традиционный, современный, тематика, олицетворение, система образов, поэтический.

Объекты исследования: материалы, хранящиеся в фольклорном архиве института языка и литературы имени Алишера Навои АН РУз и изданные терма народных бахши.

Цель работы: освещать историческую поэтическую особенности народных терма в узбекском фольклоре, его историю и историческую основу.

Метод исследования: в диссертации использованы сравнительно-исторические и аналитические методы.

Полученные результаты и их новизна: впервые систематизируется история изучения народных терма, исследуется историческая основа терма в дастанной этнографии, привнесена в поэтологию узбекского фольклора «теория формульного стиля» Пэрри-Лорда. Путём анализа многочисленных примеров доказывается создание традиционных терма. На основе композиционных формул, слова, словосочитания, строчной формулы, делаются научные выводы по поэтике терма.

Практическая значимость: результаты и научные обобщения диссертации дают важные теоретические выводы для исследования эпических традиций и эстетика фольклора.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования могут быть использованы при ведении занятий по изучению устного народного творчества на филологических факультетах высших учебных заведений, в академических лицеях и колледжах, а также при создании учебников и учебных пособий.

Область применения: ведение исследований по фольклористике и пропаганда духовных ценностей узбекского народа.

RESUME

Thesis of Tursunov Ibragim Nuralievich on the scientific degree competition of the doctor of sciences in philology on speciality 10.01.09. – folklorism.

Subject: “Historical bases of people’s terma and their artistic”

Key words: terma (dastan fragment), dastan, dastan miscellanier, proverb, historic tips (base), dastan ethnography, prayer, traditional, genesis, religious, ritual ceremony, formula style, compositional formula, traditional, modern, thematic, enlivenment, image strand, poetic.

Subjects of research: keeping materials in folklore archive at Alisher Navoi institute of literature and languages AS RUz and published terma of national bakhshi.

Purpose of work: to enlight historic and poetic peculiarities of national terma in Uzbek folklore, its history and historic basis.

Methods of research: comparative, historic and analytic ways are used.

The results obtained and their novelty: for the first time history study of national terma is systematized, historical basis of terma in dastan ethnography are researched, theory of “Piere-lord formula style “was introduced in poetology of Uzbek folklore. Creations of traditional terma is proved by analysis of multiply examples. Scientific conclusion on terma poetry is carried out on the basis of compositional line formulas.

Practical value: results and scientific generalization of dissertation give important theoretic conclusions to study epic traditions and folklore aesthetics.

Degree of embed and economic effectivity: study results can be used for delivering lectures on learning oral folk creation at philological faculties of higher educational institutions, academic lyceums and colleges, and, also publishing textbooks and school appliances.

Field of application: to embed in folklorism and propaganda of spiritual values of Uzbek people.